Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети

Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 14 ноябрь, шанба № 225 (21.323).

Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси— 60 ёшда

ЧИН ҚАЛБДАН ҚУТЛАЙМАН!

В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ САМОЛЁТСОЗЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИГА

Қадрли дўстлар!

Ўзбекистондаги кўпгина корхоналарга туташ бўлган корхонангизнинг ташкил топганига 60 йил тўлиши муносабати билан сизларни қизғин табриклайман.

Самолётсозлар жамоаси босиб ўтган шонли йўл — ватанпарварликка, гражданликка, байналмилаллик бурчига бўлган муносабатнинг ёрқин намунаси, шижоатли меҳнатнинг ажойиб мактабидир. Бирлашмада яратилаётган қанотли кемаларни сайёрамизнинг энг олис бурчакларида ҳам яхши билишади. Ишчилар, муҳандислар, конструкторлар завод учувчилари илк сардори Валерий Павлович Чкаловнинг ер шарини айланиб учишдек орзусини амалга оширганликлари билан ҳақли равишда фахрлансалар арзийди. Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси фан-техника тараққиётининг олдинги сафида бормоқда, жаҳон ва мамлакатимиз самолётсозлигида пешқадамлардан ҳамда Ўзбекистон машинасозлик индустриясининг байроқдорларидан бири ҳисобланади.

Бизнинг кунларда самолётсозларнинг халқлар дўстлиги анъаналарини авайлаб-асраб сақлаган ҳолда янги авлодга тўла-тўкис етказаётганлиги бебаҳо аҳамият касб этмоқда, ўзаро ёрдам, гражданлик бурчини ҳис этиш, маънавий қадриятлар ҳар бир халқда ғоят қадрлидир. Бу жамоангизнинг катта ҳаётий қудратга эга эканлигидан, унинг янги шонли зафарларни қучишга қодирлигидан далолат беради.

Қадрли дўстлар, ишчилар ва самолётсозлар оила аъзолари, Сизга чин қалбдан эзгулик, тинчлик, эсон-омонлик, бахт ва сиҳат-саломатлик тилайман.

Қамоли эҳтиром билан
Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Умидсиз кишилар «Ҳозир тантанали байрамлар вақти эмас» дейишади. Ҳамдўстлик мамлакатларидаги ҳозирги мураккаб иқтисодий аҳвол эътиборга олинса, шундай дейиш учун асос бор. Лекин шонли тарихи ва анъаналари бўлган, дунёдаги энг яхши тайёралар қаторида турадиган оғир транспорт тайёралари ишлаб чиқараётган, ажойиб кишиларни тарбиялаб етиштирган Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўп минг кишилик жамоаси ўзи босиб ўтган йўл билан фахрланишга ҳақлидир. Шу сабабли юзлаб авиасозлар шонли санани тантанали нишонлаш учун 13 ноябрда ўзларининг ҳашаматли маданият саройида тўпландилар.

ҲАВО КЕМАЛАРИНИНГ УСТАЛАРИ

Меҳнат жамоаси босиб ўтган олтмиш йиллик йўл республика тарихидан абадул-абад жой олиши таъкидланди. Ўзбекистон пойтахтида ишлаб чиқарилган тайёралар сайёрамизнинг деярли барча қитъалари осмонида парвоз қилиб юрибди. Тошкент тамғаси босилган авиация техникасининг ўзига хос белгиси унинг ғоят пухталиги ва ишончлилигидир.

Бирлашма бош директори В. Журавлев тўпланганлар ҳузурида нутқ сўзлаб шонли йўлнинг босқичларини қисқача эслатиб ўтди. 1932 йилда Москва вилоятидаги Химки шаҳрида барпо этилган 84-завод транспорт тайёралари ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди. У ерда ясалган дастлабки тайёра машҳур АНТ-9 ҳаво кемаси эди. Сўнгра бу ерда Николай Поликарпов конструкторлик бюросида яратилган И-15, И-16, И-153 қирувчи тайёралар ишлаб чиқарила бошланди. Шуни айтиш керакки, бу машиналарни машҳур учувчи Валерий Чкалов синаб кўрар эди, у фожиали ҳалок бўлгандан кейин заводга унинг номи берилди.

Уруш бошланди. Корхона жамоаси, машина-ускуналар шошилинч равишда Тошкентга кўчирилди. Об-ҳаво ёмон бўлишига, озиқ-овқат билан таъминлашдаги узилишларга, бинокорлик материалларининг йўқлигига қарамай, станоклар очиқ майдончаларга ўрнатила бошланди. Худди шу пайтда авиасозларга тошкентликлар, республика раҳбарлари Усмон Юсупов билан Йўлдош Охунбобоев жуда катта ёрдам бердилар. Минглаб кишиларнинг меҳнати ва ғайрати туфайли 1942 йилнинг январидаёқ Тошкент осмонида дастлабки ЛИ-2 тайёраси синаб кўрилди.

Уруш йилларида чкаловчилар СССР Давлат мудофаа қўмитасининг Қизил Байроғини 25 марта олишга муяссар бўлдилар. Барча қийинчиликларга бардош бериб, фашизм устидан қозонилган Ғалабага муносиб ҳисса қўшган минглаб кишилар орасида Малик Абдураҳмонов, Владимир Лебедев, Вадим Исмоилов, Иноят Ҳидоятов, Николай Зверов каби корхона фахрийлари бор эди. Улар деярли ярим асрлик умрларини корхона ишига бағишладилар.

Улуғ Ватан уруши ғалабасидан сўнг авиасозлар Ильюшин, Антонов, Камов, Константиновларнинг конструкторлик бюролари билан фаол ҳамкорлик қилдилар. Оммавий равишда ишлаб чиқарилган ИЛ-14, АН-8, АН-12, АН-22, ИЛ-76 маркали минглаб тайёралар ана шу самарали ҳамкорликнинг натижаларидир.

Ўзбекистон пойтахтидаги авиасозлар ҳозир ҳам корхона тамғаси шуҳратини юксак даражада ушлаб туришибди. Бирлашма цехларида жаҳонга машҳур ИЛ—76 МД юк машиналари ишлаб чиқарилмоқда. Улар фақат ҳамдўстлик мамлакатларида эмас, олис ҳорижда ҳам машҳурдир. Тошкентда ясалган тайёралар Антрактида ва Африка, Жанубий Америка ва Осиё осмонида парвоз қилмоқда. Ҳозир бу ерда ИЛ—114 янги машинасини кўплаб ишлаб чиқариш бошланди. Бу тайёралар ўртача олисликдаги масофаларга учади. Улар иккита винтли мотор билан жиҳозланган, ишончли ва қулай. Эскирган АН—24 ва ЯК—40 ўрнини ИЛ—114 эгаллайди. Бу машина биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Миллий авиакомпанияси рамзи билан шу йилнинг охирида осмонга кўтарилади.

ТАНТАНАЛИ йиғилишда чинакам байналмиллалик ҳамиша авиасозларга хос фазилат бўлганлиги ва шундай бўлиб қолаётганлиги таъкидланди. Бу байналмиллалик цехларда элликдан ортиқ миллат вакиллари меҳнат қилаётганлигидагина намоён бўлаётгани йўқ. Бирлашма ҳамдўстлик мамлакатларидаги деярли икки минг корхона билан амалий алоқаларни давом эттирмоқда. Тошкентликлар жаҳон рекордларини ўрнатган АН—124—«Руслан» ва АН—225—«МРИЯ» тайёралари учун фозеляжнинг мотор ўрнатиладиган қисмини ва қанотларини ясаб бермоқдалар. Кўп марта ишлатиладиган «Бўрон» космик кемаси учун деталларни ҳам тошкентликлар тайёрлашмоқда. Бу рўйхатни давом эттириш мумкин.

Мисолларга мурожаат қилайлик, Бирлашма жамоаси шу йилнинг ўн ойида белгиланган барча ишлаб чиқариш кўрсаткичларини бажарди. Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан деярли етти фоиз ошди. Халқ истеъмоли молларининг турлари анча кўпайтирилди. Янгиликлар орасида пухта ишлайдиган ва аҳолига маъқул тушган «Ойгул» кир ювиш машинаси бор. Лекин, чкаловчилар учун тайёралар ишлаб чиқариш асосий иш бўлиб қолаётгани табиийдир. Бу ерда ИЛ—76 қудратли юк ташиш тайёрасини тағин ҳам замонавийлаштириш юзасидан фаол иш олиб борилмоқда. Тез орада у тежамли ПС—90 мотори билан жиҳозланади. Фозеляжи узайтирилади. Бундай янгилашнинг фойдаси жуда катта. Машинанинг юк ташиш қуввати ошибгина қолмай ёнилғи сарфи анча камаяди, қўнмасдан яна юзлаб километр олисга уча оладиган бўлади.

Ҳамдўстлик мамлакатлари етакчи самолётсозларидан бири Ильюшин номидаги конструкторлик бюросининг бош конструктори Генрих Новожиловнинг фикри бундай. У бошқа республикалар авиасаноати раҳбарлари қаторида тантаналарда қатнашиш учун Тошкентга келган:

— Чкалов номидаги Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмаси билан кўп йиллардан буён ҳамкорлик қиламиз. Шу йиллар давомида бу машҳур завод бизнинг асосий ҳамкоримиз бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай. Олтмиш йил ичида бу ерда шу қадар кўп нарса барпо этилдики, бошқалар буни орзу ҳам қила олмайди. Аммо энг муҳими бизнинг ўзаро манфаатларимиз, чинакам истиқболларимиз мавжуд. Уларни рўёбга чиқариш учун биргалашиб меҳнат қилаверамиз!

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат котиби Р. Ражабов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко, Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков иштирок этдилар.

Л. ЛЕВИН,
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси

9 ноябрь куни Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон ХДП Раиси И. А. Каримовнинг давлат ва жамоат арбоби Ш. Р. Рашидов таваллудининг 75 йиллик юбилейи муносабати билан Жиззахда ўтказилган тантанали йиғилишдаги нутқида баён этилган фикрлардан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Сиёсий ижроия қўмита И. А. Каримовнинг нутқида ўзбек халқи тарихининг оғир даврлари, унинг маънавий-ахлоқий фазилатларини таркиб топтирган илдизлар, миллий онги ва ғурурининг шаклланишига бебаҳо ҳисса қўшган буюк сиймолар, тарихий ҳақиқат тўғрисида ва қадимий ўтмишимиздан шу кунлар учун чиқариш лозим бўлган сабоқлар ҳамда хулосалар тўғрисида атрофлича сўз юритиб, чуқур ва холисона таҳлил қилиб берганлигини алоҳида таъкидлади. Нутқда халқимиз қарор топтирган умуминсоний қадриятларнинг умумбашарий аҳамияти, унинг республикамиз мустақиллигини таъминлашдаги ўрнига боғлиқ масалалар очиб берилганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Нутқда келтирилган хулоса ва сабоқларда Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатидаги равнақи йўлида халқимизнинг ғоявий бирлигини қарор топтириш, ёшларни ўз ватани ва миллий-маданий меросига содиқ, инсонпарвар ҳамда ҳалол, комил инсонлар этиб тарбиялаш ишининг бош йўналишлари белгилаб берилганлиги таъкидланди.

Сиёсий Ижроия қўмита мамлакатимизда ҳозирги жаҳон ҳамжамиятига муносиб мустақил, демократик республика қуриш, бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ иқтисодий қийинчиликлар, баъзи бир фуқароларимизда сиёсий-маънавий тушкунлик, айрим қўшни давлатларда эса ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий беқарорлик, нотинчлик юз бериб турган шароитда И. А. Каримовнинг ушбу умидбахш нутқи мазмунини республикамиздаги ҳар бир партия аъзоси, ҳар бир фуқарога тўлалигича етказиш ва уни атрофлича таҳлил қилиб бериш партиянинг барча даражадаги ташкилотлари учун муҳим вазифадир. Зотан, унда баён этилган сабоқ ва хулосалар асосида соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни яратиш учун амалий ишлар олиб бориш мамлакатимизнинг келажак ривожи учун ҳам бениҳоя зарурдир, деган хулосага келди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб, Сиёсий ижроия қўмита И. А. Каримовнинг 1992 йил 6 ноябрда Жиззах шаҳрида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган хулосалар сабоқлар ва муҳим вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан Марказий Кенгаш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри кенгашларининг навбатдаги пленумларида тегишли тадбирлар белгилашни тавсия қилди. Шунингдек, барча даражадаги партия ташкилотларига нутқнинг мазмунини меҳнат жамоалари ва халқ оммаси ўртасида кенг тарғиб қилиш топширилди ҳамда бу ишда партия ташкилотлари ўз ихтиёрларида бўлган барча воситалардан самарали фойдаланишлари зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИГА САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, истеъдодли адиб, ўзбек халқининг севимли фарзанди Шароф Рашидов туғилган кунинг 75 йиллиги бутун республикамизда, у таваллуд топган Жиззахда самимият билан кенг нишонланди. Ўзбек халқи, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси азиз инсон руҳи ва хотирасини эслаб, ҳурмат-эҳтиромини бажо келтирди.

Шароф Рашидов таваллуди куни меҳр-муҳаббат билан нишонланиб, унинг ҳалол ва покиза номи авлодлар олдида тикланганидан мамнун бўлган турли миллатга мансуб фуқаролар, меҳнат жамоалари Ўзбекистон Республикаси Президенти номига самимий миннатдорчилик телеграммалари йўлламоқдалар. Қуйида шу телеграммалардан айримлари муштарийлар эътиборига ҳавола қилинади.

Қимматли Ислом Абдуғаниевич!

... Шароф Рашидов ўзбек халқининггина эмас, балки бутун мусулмон халқининг қалбидан ўрин олган севимли ва ардоқли фарзандидир. Бу улуғ зот бағри кенг байналмилалчи бўлиб, халқлар дўстлиги, ҳамкорлигини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган.

... Шароф ота номини оқлаб, бўлмагур бўхтонлардан поклаб, халққа қайтариб берганингиз учун Сизга мингминг раҳматлар айтаман...

Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти, «Оқтом» давлат хўжалигида истиқомат қилувчи Бекмурод ШАТМАНОВ.

* * *

Тошкент, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жаноблари!

Ҳурматли Президент жаноблари! Шароф Рашидович Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантана билан самимий табриклаймиз. Бутун жаҳон маданиятини бойитадиган қадимий ўзбек халқи ажойиб юксак таланти билан ажралиб туради. Рашидов ана шу халқнинг содиқ фарзанди, иқтидорли ёзувчи, шоир, сиёсий арбоб эди.

Академик ЕНИКОЛОПОВ, Москва.

ХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРДА

● 13 ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши аппарати бошланғич партия ташкилотининг Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон жумҳурияти Олий Кенгаши қошидаги Конституциявий комиссия аъзоси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби ҳуқуқшунослик фанлари доктори А. Х. Саидов Конституция лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Йиғилиш қатнашчилари лойиҳа юзасидан кўплаб фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирдилар.

Йиғилиш охирида Ўзбекистон ХДП аъзоларига партия билетлари топширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида ишлайдиган ва Марказий Кенгаш аппарати бошланғич партия ташкилоти ҳисобида турадиган бир гуруҳ масъул ходимларга ҳам партия билетлари топширилди.

● Шунингдек «Ўзбекистон овози» бошланғич партия ташкилоти йиғилишида ҳам аъзолик билетларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон ХДП Миробод район кенгашининг биринчи котиби Зикрилла Асадов «Ўзбекистон овози» газетаси редакцияси ходимларига партия билетларини топширар экан, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, партиянинг бу соҳадаги фаолиятини кенг ёритишда тезкор сўз усталарининг алоҳида ўрин тутишини таъкидлади.

• ОБУНА—93 •

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Ҳурматли муштарий!

Агар «Ўзбекистон овози»га 1993 йил учун обуна бўлсангиз, кўп нарсадан бохабар бўласиз ва ютасиз.

«Ўзбекистон овози» ҳозир республикада нашр этилаётган газеталар орасидаги энг арзон рўзномадир. Бу ҳам ҳозирги иқтисодий мушкулликлар даврида катта аҳамиятга эга.

Газета харидоргир, уни чакана савдодан топиш қийин. Келаси йили уни мунтазам ўқиб бораман десангиз, обуна бўлишга шошилинг.

ОБУНА НАРХИ:
УЧ ОЙГА— 96 сўм
ЯРИМ ЙИЛГА— 192 сўм
БИР ЙИЛГА— 384 сўм

Нашр индекси — 64583.

Ф СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи 64583 (нашр кўрсаткичи)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
(нашр номи)

обуна янги манзилга юборилгунга қадар — баҳоси сўм; баҳоси сўм; обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

• *Воқеа арафасида*

ЎЗБЕК ОЛИМАСИ— НЕРУ МУКОФОТИ СОВРИНДОРИ

Бугун Ҳиндистон Республикасида ҳинд халқининг улуғ фарзанди Жавоҳарлал Неру туғилган кун байрам сифатида нишонланди. Бу сана кунида жамоат арбоблари, ёзувчилар ва олимларга Неру номидаги халқаро мукофотлар ҳам топширилади.

Бундай совринга муяссар бўлганлар орасида ўзбек олимаси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Сабоҳат Азимжонова ҳам бор. Қуйида диққатингизга ҳавола этилаётган сурат бундан 31 йил муқаддам шарқшунослик институтида олинган. Унда Жавоҳарлал Неру илмий даргоҳда сақланаётган қўлёзма асарлари билан танишмоқда. Бу ҳақдаги суҳбатни газетамизнинг тўртинчи саҳифасида ўқийсиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси—умумхалқ муҳокамасида

Бизнинг Тошкент вилояти меҳнаткашлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси эълон қилинишини зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Вилоятимиз ташкилотларида унинг ғоясини ва аҳамиятини оммага тушунтириш ва матнини муҳокама қилиш юзасидан муайян ишлар қилинди. Дастлаб вилоят партия кенгаши қошида Конституция лойиҳаси мазмунини меҳнат жамоаларида ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатишни ташкил қилувчи ишчи гуруҳи тузилди. Унинг таркибига Ўзбекистон Фанлар Академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг етакчи олимлари, Конституция лойиҳасини тайёрлаш ишчи гуруҳининг аъзолари, шунингдек бошқа ҳуқуқшунос ва жамиятшунос мутахассислар киритилди. Бу ишчи гуруҳи вилоятдаги кўплаб меҳнат жамоаларида тушунтириш ишларини олиб борди. Шунингдек, вилоят партия кенгаши қошида партия аъзолари, кенг жамоатчилик фикрини ўрганувчи ва умумлаштирувчи марказ ҳам жамоатчилик асосида иш олиб бормоқда.

Октябрь ойининг бошида вилоятнинг барча йирик бошланғич партия ташкилотлари котибларининг Конституция лойиҳасини ўрганиш ва муҳокама қилиш масаласига бағишланган кенгайтирилган йиғилишлари ўтказилди. Шу масала юзасидан район ва шаҳар партия кенгашларининг кенгайтирилган ижроия бюролари ҳам бўлиб ўтди. Район ва шаҳар партия кенгашлари ҳокимликлар билан ҳамкорликда ушбу ҳужжатни ўрганиш ва муҳокама қилишга бағишланган партия-хўжалик фаоллари йиғилишларини ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар.

АСОСИЙ ҚОНУН МУКАММАЛ БЎЛСИН!

Умуман, партия ташкилотларида ушбу ҳужжатни ўрганиш ва муҳокама этишга бағишланган йиғилишлар турли туман шаклларда ўтказишга эришилди. Масалан, Янгиобод, Красногорск шаҳарларида Конституция лойиҳасини муҳокама қилишга бағишланган семинар-кенгаш уюштирилди. Янгийўл шаҳар, Чиноз, Ўртачирчиқ, Қибрай ва Тошкент район партия кенгашларида ҳокимликлар билан ҳамкорликдаги кенгашучрашувлар, Зангиота район кенгашида кенгайтирилган ижроия бюро, Чирчиқ шаҳрида эса «давра столи» ўтказилди.

Айни пайтда, район ва шаҳар партия кенгашларида, бошланғич партия ташкилотларида Конституция лойиҳасини ўрганиш ва муҳокама қилиш якунларига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон ХДП Олмалиқ шаҳар, Бўстонлиқ район кенгашларининг яқинда бўлиб ўтган пленумлари ҳам мазкур ҳужжатларни муҳокама қилиш якунларига бағишланди. Бошланғич партия ташкилотларида бу ҳужжат муҳокамаси якунларига бағишланган тадбирлар асосан тамомланди.

Октябрь ойи охирида вилоят партия кенгаши ва вилоят ҳокимлиги фаолларининг ҳамкорликдаги йиғилишида ҳам Конституция лойиҳасининг муҳокамаси ўтказилди. Бу йиғилишларнинг барчасида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиблари, вилоят партия кенгаши ходимлари, ижроия бюро аъзолари, шаҳар ва район ҳокимлари, ХДП аъзоси бўлган ноиблар, мутахассисларнинг фаол иштирок этишига эришилди.

Бу борадаги ишларнинг натижаси шуни кўрсатдики, халқимиз мазкур лойиҳани чин дилдан қўллаб-қувватламоқда. Айни пайтда Асосий Қонун лойиҳасининг мазмунини ҳаётга янада яқинлаштириш, унинг тилининг янада равшанлигига эришиш, уни мавжуд ижтимоий воқеликни аниқ-равшанроқ ифодаланиши юзасидан минглаб таклиф ва истакларини билдирдилар.

Ушбу лойиҳани синчиклаб ўқиб чиққан ҳар бир киши унинг мазмунидаги демократик руҳни, жонли воқеликка ижодий ёндошув аломатларини яққол сезади. Яъни у Ўзбекистоннинг ўз тажрибаси ва воқелигидан келиб чиқиб ёзилгандир. Унда ўз миллий анъана ва қадриятларимиз ҳам акс эттирилган. Шу билан бирга бу соҳадаги жаҳон тажрибасидан ҳам унумли фойдаланилган.

Муҳокамалар давомида лойиҳанинг XIII боби юзасидан кўпроқ танқидий фикрлар билдирилди. Бу фикрларга кўра, мазкур бобнинг «Жамоат бирлашмалари» деб номланиши мазмунан тугал эмас. Чунки бундай талқинда сиёсий партиялар жамоат бирлашмалари билан шунчаки тенглаштириб қўйилади. Ҳолбуки, сиёсий партиялар билан жамоат бирлашмаларининг фаолияти мазмунини тенглаштириб бўлмайди. Сиёсий партиялар Уюшмаларининг мукаммаллашган олий кўриниши бўлиб, улар доимо сиёсий ҳокимият учун курашадилар. Жамоат бирлашмалари эса пировард мақсади, табиатига кўра чекланган бўлиб, соҳа, тармоқ ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ифодалайди. Масалан, касаба-уюшмалари асосан кишиларнинг иқтисодий манфаатларини ифодалайди. Сиёсий партиялар фаолияти кўлами эса мазмунан бутунлай бошқачадир. Улар халқнинг сиёсий хоҳиш-иродасини ифодалайди, кишиларни ижтимоий ҳаракатда фаолроқ иштирок этиш, жамиятни бошқариш ишларига жалб қилади ва ўргатади. Шу боис мазкур бобни—«Сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари» деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шу бобнинг 57-моддасида «Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминлаш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоб бериб турадилар» деган жумла олдига «Сайловларда ғолиб чиққан сиёсий партия парламентда олган ўринлари сонига мувофиқ равишда давлат томонидан тегишлича моддий маблағ билан таъминланади» деган қоидани киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Яна шу бобнинг 59-моддасида жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини чеклаш ҳақида айтилган. Аввало, шу моддага «жамоат бирлашмаси» иборасидан олдин «сиёсий партия» деган бирикмани киритиш ўринли бўлур эди.

Мазкур модда пухта ишланиб, сиёсий партия ва жамоат бирлашмаларининг ўз-ўзини тарқатиб юбориш, фаолиятини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эгалиги таъкидланса, янада ҳаётга яқинроқ бўлар эди. Қонунга ва Конституцияга зид келиб қолган ҳолларда уларнинг фаолиятини таъқиқлаб ва чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосида амалга оширилиши таъкидланса, мазкур модданинг мазмуни янада тушунарли бўларди.

XIX бобнинг 90-моддасида Президентнинг ўз вазифасини бажариб турган даврида сиёсий партияга аъзолигини тўхтатиб туриши ҳақида сўз юритилган. Ушбу жумла ҳақида турли-туман фикрлар билдириляпти. Муҳокамаларда иштирок этган кўпчилик партия аъзолари «шу нарсани Конституцияда кўрсатиш шарт эмас. Ушбу жумлани умуман лойиҳадан олиб ташлаш керак, бу ортиқча» — деган мулоҳазани билдиришмоқда.

Аксарият партия ташкилотлари эса Конституцияга «Президент ўз вазифасини бажариб турган даврида ўзини тавсия этиб, қўллаб-қувватлаган партия аъзолигида қолиш ёки қолмасликни ўзи ҳал қилади», деган жумла киритилишини таклиф қилишмоқда. Жумладан, биз ҳам шундай таклифни қўллаб-қувватлаймиз. Ушбу модда «етти ўлчаб бир кес», қабилида кўпчиликнинг фикр-мулоҳазалари, жаҳонда тўпланган тажрибалар инобатга олинган ҳолда қайтадан пухтароқ ёзилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Чунки Президентнинг сайлов олди ваъдалари одатда партия дастурида ўз ифодасини топади. Партия ҳам Президент ҳокимиятисиз дастурини бажара олмаганидек, Президент ҳам ўз ҳокимиятини партиясиз мустаҳкамлай олмайди, бошқа муҳолиф партиялар олдида яккаланиб қолади.

Конституция шундай бир ҳужжат бўлиши керакки, унда мавжуд ижтимоий воқелигимиз кўзгуда акс этгандек тиниқ-равшан ифодалансин. Ушбу ҳужжатни нафақат давлат ташкилотлари, ижтимоий-сиёсий кучлар ва ҳаракатлар, балки, ҳар бир оддий фуқаро ўз турмуш тарзининг чинакам қомуси, деб қабул қилсин. Амалда уларни бажариш, мустаҳкамлашга ўзида ички бир масъулият ва рағбат топа билсин. Бош Қомусимиз қанчалик халқчил, ҳаётий бўлса, унинг амалий аҳамияти ҳам шунчалик катта бўлади. Ана шундагина қадимий доно халқимиз ўз Конституциясига ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлади, ўз ҳаёт тарзини ана шу муқаддас қонун асосида ва доирасида қуришга ҳаракат қилади. Бундай ҳолат ҳар бир ҳуқуқий давлат учун сув ва ҳаводек зарур.

Ўктамжон ТУРҒУНОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш комиссияси раиси, Тошкент вилоят Кенгашининг биринчи котиби.

Мустақиллигимиз уфқлари

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва автомобилсозлик давлат концерни раиси, республика халқ депутати Анвар ЮСУПОВ билан суҳбат.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ—ЗАМОН ТАРАҚҚИЁТИ

— Яқинда республикамиз халқи мустақилликнинг бир йиллигини кенг нишонлади. Эндиликда мамлакатимиз бўйлаб истиқлолни барқарор қилиш, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Бироқ ҳозирги иқтисодий танглик шароитида Ўзбекистон қайси йўлдан боради! — деган савол кўпчиликни ўйлантириб қўймоқда. Сизнингча, ижтимоий тараққиётнинг қайси йўлини танлаганимиз маъқул!

— Дарҳақиқат, халқимиз озодликка эришганига бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Тарих учун бу жуда қисқа муддат бўлса-да, бу биз учун воқеаларга бой бўлди. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини дунёдаги 130 та мамлакат тан олди, 59 давлат билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Республика тарихда илк бор тенг халқаро ҳуқуқ асосида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо этиб қабул қилинди. Бу тарихий воқеа республика тараққиётида мазмунан янги босқични бошлаб берди. Ўзбекистонга дунё эшиклари кенг очилди. Эндиликда республика мустақил равишда ички ва ташқи сиёсатни олиб борадиган, ўз халқининг манфаатларидан келиб чиқиб дунё ҳамжамияти мамлакатлари билан алоқалар ўрнатадиган бўлди.

Мустақил Ўзбекистонимиз собиқ Иттифоқдаги бошқа мамлакатлар қатори муайян қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Бу энг аввало, бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги шароитда яққол сезиляпти. Шундай мушкул даврда республикани ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камол топтирувчи ўз тараққиёт йўлини белгилаб олиш зарур бўлиб қолмоқда.

Эсингизда бўлса, республика Олий Кенгашининг кейинги сессиясида бу ҳаётий муҳим масалага ҳукумат ҳам, депутатларимиз ҳам алоҳида эътибор беришди. Мазкур сессияда республикамиз Президенти жамият тараққиётининг устивор йўналишлари хусусида маъруза қилиб, аниқ тараққиёт йўлини кўрсатиб берди.

Яқинда эса Президентимиз Ислом Каримовнинг айни шу мавзуга бағишланган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи босмадан чиқди. Шуни айтиш керакки, ушбу рисолада республиканинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўли мазмунан ва моҳиятан аниқ, теран ифодаланган бўлиб, жамият ҳаётининг барча жабҳалари қамраб олинган.

Дарҳақиқат, ҳозир биз узоқ ва машаққатли йўлнинг бошида турибмиз. Агар жаҳон мамлакатлари тарихига эътибор берсангиз, шу нарса аён: озодликка эришган барча давлатлар ўз тараққиёт йўлини излаб, янги жамият барпо этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга интилади. Ўзбекистоннинг ҳисобсиз ер ости ва усти бойликлари, илмий—техникавий потенциали, энг муҳими, меҳнаткаш халқи бор. Демак, ўз йўлини белгилаш учун барча шарт—шароитлар ва заминлар етарли. Фақат ҳамжиҳатлик, тинч— тотувлик, фидойи меҳнат бўлса бас.

— Маълумки, дунёда ижтимоий тараққиёт йўлининг турли андозалари мавжуд. Дейлик, Япония, Хитой, Туркия, Жанубий Корея, Швеция андозалари бунга мисол. Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини белгилаётганида муайян мамлакатлар ижобий тажрибаларидан фойдаланади. Шу ҳақдаги фикрингизни айтсангиз.

—Албатта, фойдаланиш мумкин. Бироқ бу—андозани кўр-кўрона кўчиришдан иборат бўлмаслиги керак. Бизнинг шароитимизга татбиқ қилса бўладиган ижобий тажрибаларни олиш мақбул. Мана, биргина Хитойни олайлик. Бу мамлакат бир миллиардлик ўз аҳолисини боқиш билан бирга, четга маҳсулот чиқаришга ҳам муваффақ бўлмоқда. Туркиянинг кейинги ўн йилда эришган ютуқлари ҳам эътиборга молик. «Мўъжизалар юрти» бўлган Жанубий Кореяни айтмайсизми? Мен хизмат юзасидан бу мамлакатда бир неча марта бўлиб, бу юртнинг ишбилармон кишилари билан мулоқотларда бўлганман. Айтиш керакки, Жанубий Корея халқи — бизнинг халқимиз сингари ўта меҳнатсевар, ишнинг кўзини биладиган халқ. Улардан ўрганса арзигулик тажрибалар кўп. Яна бошқа бир қатор давлатларни ҳам мисол қилиб келтириш мумкин.

Бироқ даставвал биз ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибаларга бефарқ қарамаслигимиз керак, бинобарин бошқалар тажрибаларини ўрганишимиз шарт. Гап шундаки, ҳамма нарса қиёсланганда билинади. Халқимиз бой миллий ва маънавий меросга, табиий-иқлимий шароитларга, ўзига хос хусусиятларга эга.

Бизда ўз юртига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, ўзгаларга ғамхўрлик ва ёрдам туйғуси кучли туради, Маънавий-ахлоқий қадриятлар эзъозланади. Шу боис, у ёки бу давлат тажрибасидан фойдаланилаётганда, масаланинг ушбу жиҳатларига ҳам алоҳида ёндашув талаб этилади. Яна бир нарсага ҳам эътибор бериш керак: Ўзбекистон, умуман Ўрта Осиё республикалари собиқ Иттифоқ амал қилган даврда «марказ»нинг хом ашё минтақасига айланиб қолгандилар. Энди аҳвол бутунлай бошқача. Ўлка табиий бойликларидан оқилона фойдаланиб, жаҳон бозорига тайёр маҳсулот олиб чиқиш саъйи-ҳаракатлари бошлаб юборилган.

Республика ҳукумати янги индустриал мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўяётганлиги ҳам дуруст. Мана, шахсан Президентимизнинг ташаббуси билан Туркия, Жанубий Корея, Хитой, Малайзия, Германия, Австрия ишбилармонлари билан алоқалар ўрнатиляпти. Бу давлатлар фирмалари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Уларнинг замонавий технологияси жумҳуриятга келтирилиб, кўплаб истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилаётир.

— Анвар Аъзамович, айтинг-чи, концерида бу йўналишда қандай ишлар амалга оширилмоқда!

— Биласизми, биз хорижнинг иқтисодиётни янгилаш тажрибасини пухта ўрганяпмиз. Шу билан бирга, ушбу давлатларнинг сармояларини ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга, ҳам саноатнинг илм—фанга асосланган тармоқларига жалб этишга ҳаракат қиляпмиз.

Республика ҳукуматининг деҳқончиликни ва умуман қишлоқ ҳаётига етакчи тармоқ сифатида алоҳида эътибор қаратаётганлиги ҳам ишимизнинг ўнгланишига ёрдам беряпти. Бунинг натижаси ўлароқ бугунги кунда қишлоқда қайта ишлаш саноати вужудга келяпти, ижара ва фермер хўжаликлари ташкил этиляпти.

Тошкент «Зенит» заводи кейинги пайтда кўпроқ халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашга ихтисослашиб бормоқда. Шу йилнинг июль ойида бу ерда рангли телевизорлар ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ишга туширилди. Ҳозир ушбу корхонада кунига 200 дона телевизорлар йиғилиб, истеъмолчиларга жўнатиляпти.

СУРАТДА: телевизорлар махсус қутиларга жойланаётган пайт.

М. БОЛТАБОЕВ олган сурат.

Энг муҳими, деҳқон фан-техника ютуқларидан фойдаланмасдан туриб тараққиётга эришиб бўлмаслигини чин дилдан ҳис қилмоқда. Биз ҳам ўз навбатида ўзбек деҳқонининг оғирини енгил қилишга интилмоқдамиз.

Мутахассисларимиз ҳозир исроиллик ҳамкасблар билан биргаликда пахтакорлар учун зарур бўлган терим машинаси устида иш олиб боришяпти. Ушбу терим агрегати ҳосилни нобуд қилмай кўпроқ териб олиши ва бошқа техник жиҳатлари билан ҳам ўтмишдошларидан фарқ қилади. Уни 1993 йилда синаб кўришни мўлжаллаётирмиз.

Ўтган йили Хитой Халқ Республикасидан мол айирбошлаш эвазига 400 дона кичик тракторлар келтирилиб, деҳқонларимизга сотилди. Бу йил ҳам шунча миқдорда 15-18 от кучига эга бўлган техника воситаларини харид қилдик. Яқинда эса хитойлик ҳамкасбларимиз билан бирга Тошкент трактор заводи қошида қўшма корхона очмоқчимиз.

Умуман олганда, концерннинг хориж билан алоқалари кенгайиб бормоқда. Мана, Германиянинг «Мерседес-Бенц» фирмаси, Италиянинг «Сеситал» фирмалари билан ўзаро фойдали битимлар имзоланяпти. Агар бу битимларда кўзда тутилган тадбирлар ўз вақтида амалга оширилса, республика иқтисодиётининг оёққа туриб олиши осон кечади.

Айниқса, Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси билан тузилган шартномаларнинг биз учун аҳамияти катта. Негаки, айни шу битимлар натижаси ўлароқ Ўзбекистонда биринчи марта автомобилсозлик пойдеворига асос солинмоқда.

— Дарвоқе, ушбу корпорация билан ҳамкорликда Асакада ташкил этилаётган автомобиль корхонаси ҳақида газетхонларимизга батафсилроқ ахборот берсангиз.

— Эсингизда бўлса, республикамиз Президенти Ислом Каримов Жанубий Кореяга расмий сафар қилган чоғларида «ДЭУ» корпорацияси раҳбарлари билан учрашган, уларни манфаатли ҳамкорлик қилишга чақирган эди. Шундан сўнг, кўп ўтмай корпорация раҳбарлари Ўзбекистонга келиб аҳвол билан танишишди, имкониятларни ўрганиб чиқишди. Бундан бир ярим ой илгари эса Тошкентда икки томонлама фойдали шартномага имзо чекилди. Бу битимга мувофиқ, Асакада бунёдга келаётган қўшма корхона келаси йилдан дастлабки енгил ҳамда мўъжаз юк автомобилларни тайёрлаб чиқара бошлайди.

Заводда қолиплаш, бўёқ ва 240 автоматроботлардан иборат йиғув цехи бўлади. Бу ерда уч турдаги автомобиль чиқариш кўзда тутиляпти. Диққатга сазовор томони шундаки, улар орасида қишлоқ жойлари учун мўлжалланган икки хил ихчам юк автомобили ҳам бор. Бу автомобиллар 500 ва 1,5 минг килограмм юк торта олади. Энг муҳими, жуда кам ёнилғи — 100 километрига 3—4 литр бензин сарфлайди, холос.

Энди баъзи кишиларнинг автомобиль корхонаси нега марказга яқин жойларда эмас, Асакада ташкил этиляпти, деган саволига келсак, бу эскича қолипда фикрлашдан бошқа нарса эмас. Илгари саноат корхонаси бўлса бас, марказий шаҳарларда қурилиши шарт эди. Бугун эса бу нарсага янгича ёндашишга тўғри келяпти. Боиси — ҳаётнинг ўзи ишлаб чиқариш корхоналарини тўғри жойлаштиришни тақозо этмоқда. Водийда аҳоли зич жойлашган. Уларни иш билан таъминлашда ушбу корхона асқотиши турган гап. Иккинчидан, бу ерда ҳам малакали ишчилар синфи бисёр. Хуллас, янги корхона учун Асака шаҳри тўғри танланган, деб ҳисоблайман.

Асакадаги ушбу заводни барпо этиш учун ҳар икки томон қарийб ярим миллиард доллар ҳаражат қилади. Кўпчилик газетхонларни янги ўзбек автомобили қайси пулга сотилиши ҳам қизиқтирса керак. Янги машина долларга ҳам, сўмга ҳам сотилади. Даставвал, ўз истеъмол бозоримизни бундай автомобилларга тўлдиришга ҳаракат қиламиз. Кейинчалик жаҳон бозорига чиқиш ниятимиз ҳам бор.

Шу ўринда таъкидлаш керак: «Ўзбекистон овози» газетаси янги автомобилларга ном қўйиш ҳақида газетхонлар фикрини бера бошлаб хайрли ишга қўл урди. Биз бу ғояни қўллаб-қувватлаймиз. Ўйлаймизки, газетхонлар учала машинага ҳам муносиб ном танлашади.

Битимларда ушбу машиналарга техник хизмат кўрсатиш станцияларини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Бундай станциялар ҳар бир вилоят марказларида очилади. Яқин вақт ичида эса автомобилларнинг бозор нархларини ўрганиш мақсадида Кореядан 3 минг дона енгил машина келтирилади.

Куни кеча Жанубий Кореяда бўлиб, «ДЭУ» корпорацияси раҳбарлари билан яна бир аҳдлашувга имзо чекдик. Унга кўра, келаси йил тўртинчи чорагидан бошлаб Тошкентдаги «Зенит» заводи базасида янги қўшма корхона ишга тушади. Бу ерда чанг ютгич қурилмалар, вентилятор, аудиовидео кассеталар, видеоплейер, телевизорлар, кир ювиш машинаси двигателлари, кондиционер-совутгичлар ва бошқа мураккаб маиший техника ускуналари тайёрланади.

Бундан ташқари ушбу корпорация ёрдамида республика пойтахтидаги «Туркман бозори» ўрнида бизнес маркази очилади. Бу марказ ҳар икки мамлакат ишбилармонлари учун хизмат қилади. Шуниси қувончлики, Ўзбекистоннинг «ДЭУ» корпорацияси билан тузган аҳдлашувларини кореялик мутахассислар энг серсамара ҳамда рекорд муддатларда имзоланган ҳужжатлар деб ҳисоблашмоқда. Корпорация президентининг фикрича, илгари улар бирон-бир давлат билан битим тузиш учун камида етти ой вақт сарфлашган экан. Ваҳолонки, Ўзбекистон билан ҳамкорлик шартномаларини атиги 45 кунда имзолашга муваффақ бўлишди. Бунга энг аввало, республикамиз Президентининг шахсий ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари туфайлигина эришилди.

— Республика халқ хўжалиги бозор муносабатларига қадам қўймоқда. Ҳозирги оғир шароитда концерн таркибидаги корхоналар иқтисодиётни барқарорлаштириш йўлида қандай чоралар кўрмоқда?

— Биласизми, концерн ихтиёрида 25 дан зиёд корхона бор. Бу корхоналар мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, барқарор фаолият кўрсатяпти. Кейинги 3—4 йилда асосий маҳсулот қаторида кўпроқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Айрим корхоналарни эса қайта жиҳозлаб, аҳоли учун биринчи навбатда зарур бўладиган маҳсулотлар тайёрлашга мослаштиряпмиз.

Айни пайтда мавжуд корхоналарнинг техникавий даражаси, технология асбоб-ускуналарининг бугунги ҳолати қайта кўриб чиқилмоқда. Айтиш керакки, бу соҳада муаммолар анчагина. Бир қатор корхоналаримизда технология ускуналари жисмонан ишдан чиққан, маънавий эскирган. Эндиликда уларни замонавий техника ва технология ускуналари билан янгилаш талаб этилади.

Бу йўналишда ҳам ишлар бошлаб юборилган. Биринчидан, чет эл ишбилармонлари билан ҳамкорликда хорижий технологияни ишлаб чиқаришга жалб қилишга интиляпмиз. Ўз навбатида ички имкониятлардан ҳам унумли фойдаланиляпти. Дейлик, ҳозир концерндаги қишлоқ хўжалиги машинасозлиги деҳқон (фермер) ва томорқа хўжаликлари учун чорвачилик ҳамда озиқ-овқат экинларини қайта ишлаш учун техника ва кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштириш чоралари кўрилмоқда.

Энг муҳими, корхоналарда ишбилармонликка, ташаббусга кенг йўл очиб берилмоқда. Бунинг натижасида меҳнат жамоаларида хўжалик юритишнинг ишчан механизми таркиб топмоқда. Маҳсулот сифати яхшиланиб, ҳажми ортиб бормоқда. Айрим маҳсулот турлари бўйича жаҳон бозорида ҳатто чет эл фирмалари билан ҳам рақобат қиляпмиз. Масалан, биз тайёрлаётган пахта териш машиналари жаҳон бозорида АҚШнинг «Жондир» фирмаси маҳсулотидан кейин туриши бунга ёрқин мисол. Эндиликда концерн корхоналари асосий эътиборни кўпроқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, республика халқ хўжалигининг хом ашёвий йўналишини бартараф этишга қаратишаётир.

Албатта, бир-икки йил ичида бунга эришиш қийин. Бунинг учун даставвал илғор технологияни кенгроқ жорий қилиш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича тармоқ тизимини шакллантириш лозим.

Энди бозор муносабатларига асосланган ривожланган жамиятни қуришга келсак, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бу жараён ҳам ўз-ўзидан бўлмайди. Фақат собитқадамлик ва босқичма-босқич ҳаракат қилиш бирон-бир ижобий натижа бериши мумкин. Халқимиз — эса собитқадам, меҳнатсевар халқ. Демак, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш учун, жаҳон ҳамжамиятининг ривожланган мамлакатлари қаторига қўшилиш учун республикамиз етарли салоҳиятга эга. Бинобарин, Ўзбекистоннинг истиқболи порлоқ, дейишга тўла ҳақлимиз.

Суҳбатдошлар:
Жўра ХОЛҚОСИМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

ГАЗЕТА МУХЛИСИНИНГ ТАШАББУСИ

АНДИЖОНЛИК 1500 НАҚЛИЁТЧИ ТЕМИРЙЎЛЧИ, АЭРОПОРТ ВА МИЛИЦИЯ ХОДИМЛАРИ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛДИЛАР.

Нурмат Латифжонов Андижон транспорт милициясига бошлиқ бўлгач, жиноятчиликка, ўғирликка, талон-торожликка, чайқовчиликка қарши «ўт» очди. Бу йўлда ҳеч нарсадан ҳайиқмади, қўрқмади. Унинг иккинчи касби жаматчи мухбирликдир. Ҳаётимиздаги «қора дог»ларни аёвсиз фош этишга бағишланган ҳаяжонли мақолалари «Ўзбекистон овози», «Халқ сўзи» газеталарида чоп этилган. У бозор иқтисодиёти муносабати билан газеталар, журналларга ёзилиш камайиб кетганлигини ҳисобга олиб, ажойиб ташаббус билан чиқди. У андижонлик транспортчилар, темирйўлчилар ва уларга хизмат қиладиган савдо дўконлари, умумий овқатланиш корхоналарининг меҳнат жамоалари, аэропорт ва милиция ходимлари билан шахсан ўзи мулоқотда бўлиб, «Ўзбекистон овози» газетасига 1500 дан кўпроқ обуна ташкил этди. Унинг таклифи билан Андижон, Асака, Ахтачи темир йўл станциялари, вагон ва локомотив деполари меҳнат жамоаларида «Ўзбекистон овози»га кўплаб обуна расмийлаштирилди.

— Мен «Ўзбекистон овози»нинг доимий мухлисиман, — дейди милиция подполковники Нурмат Неъматжонович, — уни ҳамиша севиб ўқийман. Газета кейинги вақтда ўқимишли чиқадиган бўлиб қолди. Айниқса, «Шарофнома» рукни остида туркум мақолалар берилгани, Ш. Рашидов жамғармаси очилгани ҳаммага маъқул бўлди. Ш. Рашидов номининг оқланишида Президентимиз И. А. Каримовнинг хизмати жуда катта. Газета буни ўз вақтида илғаб олиб, кенг тарғиб этмоқда.

Биз 1993 йил учун 3 минг кишини «Ўзбекистон овози»га обуна қилишни режалаштирганмиз. Бундан 1500 тасига обуна варақаси тўлдирилиб бўлинди. Обуна мавсуми охиригача сўзимизнинг устидан чиқамиз.

Ҳимматингиз, эътиқодингизга балли, Нурмат Неъматжонович! Бошқалар ҳам Сиздан ўрнак олса яхши бўларди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДУНЁ ОВОЗИ

ВАЗИРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

◆ Покистон иқтисод ва молия ишлари вазири Сартаж Азиз мухбирлар билан суҳбатда Покистон ўзини собиқ Совет Иттифоқидаги Ўрта Осиё республикалари билан боғловчи автойўл қурилишини бошлашга тайёр эканлигини билдирди.

Лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси Покистон, Афғонистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари томонидан қўллаб-қувватланган. Қурилиш ҳаражатларини Ислом тараққиёт банки ўз зиммасига олади.

БИЗНИНГ ГАЛАКТИКАДА 200 МИЛЛИАРД ЮЛДУЗ БОР

◆ Бизнинг Галактикада энг камида миллионта сайёрада ҳаёт мавжуд бўлиши мумкин. Узоқ тадқиқот ишлари олиб борган чилилик астрономлар шундай хулосага келишди.

Бизнинг Галактикада 200 миллиард юлдуз бор. Уларнинг бир фоизи ўзининг физик хусусиятларига кўра қуёшдан фарқ қилмайди. Бу юлдузларни ҳам Қуёшникига ўхшаш ўз туркумлари бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, деб ҳисобламоқда олимлар.

САМОЛЁТ ФАЛОКАТГА УЧРАДИ

◆ Тверь-Ереван маршрути бўйича юклар ташишни амалга ошираётган Россия ҳарбий ҳаво кучларининг транспорт самолёти фалокатга учради.

Самолёт Тверь областининг Некрасово қишлоғи яқинида қулаб тушган. Барча экипаж аъзолари ҳамда пассажирлар ҳалок бўлишди. Комиссия бу фалокатнинг сабабларини аниқламоқда.

ЖУРНАЛИСТЛАР НАТОЧИЛАР ҲУЗУРИДА

◆ «Красная звезда» журналистлардан бир гуруҳи НАТО штаб квартираси ахборот ва матбуот бўлимининг таклифига биноан Брюсселда меҳмон бўлишди.

НАТО бош котиби М. Вёрнер билан суҳбат бўлиб ўтди.

(Жаҳон телеграф агентликлари ва рўзномалар хабарлари асосида тайёрланди).

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 16. XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Қувондиқ Искандаров куйлайди». Фильм-концерт.
8.00 «Дастлабки тергов». Бадиий фильм.
9.30 «Қизил Яримой шўъласи».
10.00 «Ҳайвонот оламида». Кинопрограмма.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Иссиқлик двигателларининг ишлаш принциплари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.
11.00 «Нарзанлар водийсида», «Жайронлар ороли». Телефильмлар.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. Мусбат ва манфий сонларни кўпайтириш ва бўлиш.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Оқ бўталоқ». Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Анъаналар этади давом...». Мусиқий кўрсатув.
20.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Уч суҳбат».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
